



ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАЛАКА ТИЗИМИ: АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА КЎТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18173741>

Аббас Узакбаев

Миллий малака тизимини ривожлантириш институти бош мутахассиси

E-mail: a.uzakbayev@mmtri.uz

Кумар Қалендерова

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети таянч докторанти

E-mail: qumarqalenderova@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида миллий малака тизимини ривожлантиришнинг янги босқичи, унинг асосий фаолият йўналишлари ва тизимдан кўтилаётган натижалар атрофлича таҳлил қилинган. Хусусан, миллий малака тизимини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий, институционал ва методологик ислохотлар, Миллий малакалар рамкасининг жорий қилиниши ҳамда Машғулотлар миллий классификаторининг ишлаб чиқиши ёритиб берилган. Мақолада миллий малака тизимини рақамлаштириш, халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибаларни жорий этиш орқали инсон капитали сифатини ошириш ҳамда меҳнат бозорининг рақобатбардошлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: миллий малака тизими, миллий малака рамкаси, касбий стандартлар, машғулотлар миллий классификатори, меҳнат бозори, инсон капитали, норасмий таълим.

THE NATIONAL QUALIFICATIONS SYSTEM OF UZBEKISTAN: PRIORITY AREAS OF ACTIVITY AND ANTICIPATED OUTCOMES

ABSTRACT: This article provides a comprehensive analysis of the new stage in the development of the National Qualifications System of the Republic of Uzbekistan, its main areas of activity, and the expected outcomes of the system. In particular, it highlights regulatory, institutional, and methodological reforms aimed at improving the national qualifications system, the introduction of the National Qualifications Framework, and the development of the National Classification of Occupations. The article places special emphasis on the digitalization of the national qualifications system and the implementation of international standards and best foreign practices as key factors in enhancing the quality of human capital and ensuring the competitiveness of the labor market.



KEYWORDS: *national qualifications system, national qualifications framework, occupational standards, national classification of occupations, labor market, human capital, non-formal education.*

Мамлакатимизда инсон капиталини тўлақонли ривожлантириш, меҳнат бозори эҳтиёжлари, таълим ва касбга ўқитиш тизимларини мувофиқлаштириш, миллий малака тизимининг халқаро меҳнат бозорида тан олиншини таъминлаш Ўзбекистонда миллий малака тизими ривожланишининг кейинги босқичида республиканинг илмий, технологик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор вазибаларидан бирига айланди. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.09.2024 йилдаги Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-345-сон қарори миллий малака тизимини янги босқичга олиб чиқди.

Ушбу қарор миллий малака тизимини ислоҳ қилишга қаратилган бўлиб қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олади:

– миллий малака тизимининг норматив-ҳуқуқий, институционал ва услубий асосларини такомиллаштириш;

– халқаро стандартлар асосида Машғулотлар, касб ва лавозимлар миллий классификаторини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш;

– малака рамакалари, касбий стандартлар ва малака талабларини иш

берувчилар талаблари асосида ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва ривожлантириш;

– янги авлод касбий стандартлар асосида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, олий ва профессионал таълим дастурларини такомиллаштириш ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш;

– малакаларнинг халқаро миқёсда тан олиншини, миллий малака даражаларининг илғор хорижий давлатлар малака даражалари билан интеграция қилинишини таъминлаш;

– норасмий ва информал ортирилган кўникма ва малакаларни тан олиш («Recognition of Prior Learning») тизимини жорий қилиш;

– кўникмаларни прогнозлаштириш («skills anticipation»), кўникмаларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил қилиш («skills needs analysis»), кўникмалар билан боғлиқ камчиликларни ўрганиш («skills gap analysis») воситалари ва методологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– миллий малака тизимини тўлақонли йўлга қўйиш бўйича стратегик режалар ишлаб чиқиш ҳамда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш;

– миллий малака тизимини ривожлантириш жараёнларини



мониторинг қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ахборот алмашинувини самарали йўлга қўйиш.

Миллий малака тизимини ривожланишининг ушбу янги босқичида барча таркибий компонентлар модернизация қилиниб халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида миллий малака тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланувчи касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика кенгаши ташкил этилди ва унинг таркиби тасдиқланди. Кенгаш ваколати вазирлик даражасидан (Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги) Бош вазир даражасига олиб чиқилди. Иқтисодий соҳалар хусусиятлари, тузилмаси ва фаолият йўналишларидан келиб чиқиб таркибининг камида 50 фоизи иш берувчилар вакиллари билан иборат бўлган 24 та касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари ташкил этилди. Мазкур кенгашлар соҳада малака тизимини ривожлантириш ва тартибга солиш мақсадида корхоналар вакиллари, соҳа мутахассислари ва экспертларини бирлаштирувчи коллегиял орган ҳисобланади ва қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

– меҳнат бозори мониторинги асосида тармоқларнинг малакаларга

бўлган эҳтиёжлари ва тенденцияларини аниқлаш;

– меҳнат бозори талаблари ва ўқитиш натижаларини (learning outcomes) инобатга олган ҳолда тегишли соҳалар бўйича тармоқ малака рамакаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириб бориш;

– касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш;

– тармоқда малакаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш, шунингдек, малакаларни баҳолаш воситаларининг ишлаб чиқирилишини таъминлаш ҳамда экспертизадан ўтказиш;

– меҳнат бозорини ўрганиб бориш, унда пайдо бўлиши кутилаётган касбларни машғулотлар миллий классификаторга киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

– тармоқ кенгаши фаолиятида, тармоқ малака рамакалари ва касбий стандартларни ишлаб чиқиш жараёни ҳамда муҳокамаларида хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорликни ташкил этиш.

Меҳнат бозори ва таълим тизимини боғловчи, малака даражаларининг умумлаштирилган тавсифи ва уларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эришишнинг асосий йўллари билан белгиловчи восита ҳисобланувчи – Ўзбекистон Республикасининг миллий малакалар рамакаси тасдиқланди. Миллий малакалар рамакаси Ўзбекистон Республикаси миллий



малака тизимининг таркибий қисми бўлиб, ўқитиш натижаларини миллий баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади. Миллий малакалар рамкаси тармоқ малака рамкаларини, касбий стандартлар ва таълим дастурларини ҳамда миллий ва халқаро даражадаги таълимнинг барча даражалари учун малакаларга эришиш ва тан олиш механизмларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, Миллий малакалар рамкаси асосида касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари иш берувчилар бирлашмалари билан ҳамкорликда тармоқ малака рамкаларини ҳамда касбий стандартларни ишлаб чиқиши белгиланди. Миллий малакалар рамкасидаги кўрсаткичлар қуйидагича тавсифланади:

“билимлар” кўрсаткичи касбий фаолиятда фойдаланиладиган билимларга қўйиладиган талабларни белгилайди ҳамда қуйидагилар билан ифодаланади:

фойдаланилаётган ахборотнинг ҳажми ва мураккаблиги;

қўлланаётган билимларнинг инновациявийлиги;

назарий ва амалий билимлар нисбати.

“кўникма (маҳорат)” кўрсаткичи кўникмаларга қўйиладиган талабларни белгилайди ҳамда қуйидагилар билан ифодаланади:

касбий вазифаларни ҳал қилиш йўллариининг хилма-хиллиги (вариативлиги);

касбий вазифаларни ҳал қилиш йўллариини танлаш ёки ишлаб чиқиш зарурати.

“масъулият ва мустақиллик” кўрсаткичи ходимнинг умумий компетенциясини белгилайди ҳамда қуйидагилар билан ифодаланади:

раҳбарлик остидаги фаолият;

мустақил ижро интизоми;

раҳбарлик фаолияти;

фаолият кўлами — ваколат ва масъулиятнинг кенглиги, жавобгарлик, касбий фаолиятдаги эҳтимолий хатонинг оқибатлари.

Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика кенгашининг ишчи органи вазифасини бажарувчи, республика кенгаши, тармоқ кенгашлари ва малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини ташкилий-услубий, эксперт ва таҳлилий жиҳатдан таъминлашни амалга оширувчи ҳамда миллий малака тизимини мувофиқлаштирувчи регулятор вазифасини бажарувчи — Миллий малака тизимини ривожлантириш иснтитути ташкил этилди.

Янги босқичда миллий малака тизимининг методологик, норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди, хусусан, тизим иштирокчилари ўртасида ахборот алмашинувини янги босқичга олиб чиқиш, тизим фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш мақсадида миллий малака тизимининг ягона рақмли платформасини ишлаб чиқиш



ташаббуси илгари сурилди. Бу асосида, касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика кенгашининг ишчи органи ҳисобланувчи Миллий малака тизимини ривожлантириш институтининг расмий веб-сайти ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирда рақамли платформа асоси ушбу сайт орқали шакллантирилмоқда.

Миллий малака тизимида халқаро стандартларга мқвофиқ фаолият юритиш ва илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш мақсадида мазкур институт ва 8 ҳамкор ташкилот (UNESCO, ETF, HELVETAS, ADB, GIZ, KOICA, AFPA) ва 6 давлат (Албания, Эстония, Франция, Туркия, Россия, Қозоғистон) ўртасида меморандумлар тузилиб, ҳамкорлик фаолияти йўлга қўйилишига эришилди.

Халқаро илғор тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикасида миллий малака тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, кейинчалик концепция нормалари асосида тизим фаолиятини мунтазам ривожлантириш йўлга қўйилиши белгиланди. Ҳозирда мазкур концепция лойиҳасининг дастлабки қисми ишлаб чиқилган. Шунингдек, Машғулотларнинг халқаро стандарт классификациясидан (МХСК-2008) келиб чиқиб Машғулотларнинг миллий классификатори ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди (Ўз МСт 641:2025 Машғулотлар миллий

классификатори)¹. Машғулотларнинг миллий классификатори – бу республикадаги иш ёки касбий фаолият турларини тизимли ва иерархик тарзда классификациялаш учун статистик классификатор ҳисобланади. Машғулотларнинг миллий классификатори иқтисодиётда бажарилаётган ишларнинг қайси касбларга, касбларни эса қайси касбий гуруҳларга тегишли эканлигини аниқлаш учун асос яратади. Бу эса касбларнинг қамрови, даражаси ва чегаралари бўйича ишга жойлашиш, ижтимоий ҳимоя, касбий таълим, касбий малака каби соҳаларда турли томонларнинг ахборот эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Классификаторни ишлаб чиқишда Машғулотларнинг халқаро стандарт классификацияси (МХСК-2008) билан мос келувчи, Ўзбекистон меҳнат бозори тузилишини акс эттирувчи ҳамда манфаатдор томонлар билан биргаликда фойдаланиш мумкин бўлган ягона машғулотларни классификациялаш тизимига ўтишга алоҳида эътибор қаратилган. Машғулотларнинг миллий классификатори машғулотлар ва касбий фаолият турларини таснифлаш, хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларини тизимлаштириш, ишчиларнинг малака разрядлари диапозони ва хизматчиларнинг лавозимлари тоифаларини белгилаш, шунингдек малака даражаларга қўйиладиган

¹ <https://gov.uz/oz/standart/news/view/72910>



талабларни аниқлаш учун
фойдаланилади.

Миллий малака тизими
ривожланишининг мазкур янги
босқичида, асосий янгилик сифатида
қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

– норасмий ва информал
орттирилган кўникма ва малакаларни
тан олиш («Recognition of Prior
Learning») тизимини жорий қилиниши;

– кўникмаларни
прогнослаштириш («skills
anticipation»), кўникмаларга бўлган
эҳтиёжларни таҳлил қилиш («skills
needs analysis»), кўникмалар билан
боғлиқ камчиликларни ўрганиш
(«skills gap analysis») воситалари ва
методологияларини ишлаб чиқиш ва
жорий этиш;

– касбий стандартлар асосида
натижага йўналтирилган таълим
дастурларини ишлаб чиқишни йўлга
қўйиш;

– халқаро стандартларга мувофиқ
тармоқ малакалар рамкаси ва касбий
стандартларнинг янгиланган
макетининг тасдиқланиши;

– миллий малака тизими
фаолиятини рақамлаштириш
мақсадида ягона рақамли
платформанинг жорий этилиши.

Миллий малака тизими
ривожланишининг келажак босқич
режаларига мувофиқ Ўзбекистон
Республикасида яқин истиқболда
қуйидагиларга эришиш кўзда тутилган:

• Иш берувчи ва бизнес
вакилларининг кадрлар тайёрлаш
tizimining passiv Iste'molchisidan
фаол Буюртмачисига, яъни таълимни
режалаштиришдан бошлаб, уни амалга
оширувчи, баҳоловчи, сифатини
таъминловчи ва ривожлантирувчисига
айланишини таъминлаш.

• Сифати кафолатланадиган
услуксиз профессионал таълим ва
касбга ўқитиш тизимига эга бўлиш.

• Ишлаб чиқариш ва ижтимоий
соҳани малакасиз ишчи кучи ва
малакасиз мутахассислардан
ҳимояланишни таъминлаш.

• Меҳнат бозоридаг сифатли
меҳнат ресурсларини ривожлантириш
tizimi mavjudligi туфайли
мамлакатнинг инвестицион
жозибадорлигини оширишга
эришиш.

• Таълим ташкилотларини
Компетентлик марказларига
айланишини таъминлаш.

• Ўзбекистон таълим
муассасалари битирувчиларининг
таълим натижалари ҳамда меҳнат
мигрантларининг малакасини халқаро
даражада тан олиш.

• Давлатни таълим жараёнларини
оператив бошқарувчилигидан меҳнат
бозори ва таълим ўртасидаги тизимли
ҳамкорликнинг координаторига
айланишини таъминлаш.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Castejon J-M, Chakroun B, Coles M, eds. Trends in the Recognition and Validation of Learning. In: Developing Qualifications Frameworks in EU Partner Countries: Modernising Education and Training. Anthem Press; 2011.
2. Cedefop. 2024. Transparency and transferability of learning outcomes: a 20-year journey: Analysis of developments at European and national level. Cedefop research paper. Publications Office of the European Union.
<https://data.europa.eu/doi/10.2801/3413866>
3. EQF-Europass project group. (2024). European guidelines for the development and writing of short, learning-outcomes-based descriptions of qualifications. Publications Office of the European Union. Cedefop working paper series, 21.
<http://data.europa.eu/doi/10.2801/838553>
4. Global inventory of national and regional qualifications frameworks 2022: Volume II ISBN: 978-92-3-100615-905/10/2023.
5. Ашурова С.Ю., Профессиональная компетентность как объект оценки. Ж. Молодой ученый. – 2012. № 4. – С. 417
7. Муравьева А. А., Олейникова О. Н., Аксенова Н. М. Национальная система квалификаций – пути развития // КПЖ. 2021. №1 (144). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/natsionalnaya-sistema-kvalifikatsiy-puti-razvitiya>